ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАН РОССИЯГА ПАХТА ХОМ АШЁСИНИНГ ТАШИБ КЕТИЛИШИГА ДОИР АРХИВ МАНБАЛАРИ

А.МИРЗАЕВ

В статье на основе архивных документов рассмотрен вопрос вывоза хлопкового сырья со стороны царского правительства из Ферганской долины в Россию, некоторые вопросы исследованы с источниковедческой точки зрения.

On the basic of archive documents this article discusses the problem of taking out the cotton from Fergana region to Russia by Tsarist government. Some points of the question under discussion are taken from the original sources.

Ўзбекистон тарихини XIX аср охири - XX аср бошларига доир даврини ўрганишда пахтачилик масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати ҳамда пахта хом ашёсинининг ташиб кетилиши масаласи алоҳида мавзу сифатида катта қизиқиш уйғотади[1]. Таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар мавзу юзасидан чор мустамлакачилиги ҳамда совет тузуми ва мустақиллик давридаги бир қатор тадқиқотларда кўплаб статистик маълумотлар эълон қилинган. Уларнинг айримлари колониал бошқарув маъмурий идоралари ва давлат статистик хизмати расмий иш ҳужжатларига асосланган бўлса, бир қисми нодавлат ташкилотлар архив фондлари ҳамда матбуот материаллари асосида бажарилган.

Бевосита, Туркистон ўлкасида пахта хом ашёсининг ташиб кетилишига тўхталадиган бўлсак, мавжуд статистик қайдлар бу жараён йилдан-йилга ўсиб борганини тасдиқлайди. Масалан, Туркистон ўлкасидан 1906 йилда 566878, 1909 йилда 1102876, 1913 йилда 2115119, 1915 йилда 2426298 пуд пахта Россия ичкарисига ташиб кетилган [2]. 1911 йилда Европа тарифи бўйича Россияга 10629 минг пуд пахта олиб кирилган бўлиб, бу кўрсаткич 1910 йилга нисбатан 261 минг пуд кўп эди. 1911 йилда Ўрта Осиёдан ташиб кетилган пахта толасининг ўзи 11172 минг пудни ташкил этган [3].

Туркистон генерал-губернаторлигидан империянинг марказий районларига пахта толаси асосан темир йўл орқали ташиб кетилган. 1910 йилда ўлкадан жами 8,4 миллион пуд пахта марказга жўнатилган бўлса, шундан 5,5 миллиони (ёки 66% га яқини) Фарғона вилоятидаги 10 та темир йўл станциялари орқали ташиб кетилган [4].

Бу ўринда биз Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятида пахта хом ашёсини ташиб кетиш жараёнини ўлкада пахтачилик соҳасида фаолият олиб борган энг йирик ширкатлардан бири Ярославль Катта мануфактурасининг (Ярославская Большая мануфактура – бундан кейин қисқача Ширкат) Ўзбекистон республикаси Марказий давлат архивидаги фонд ҳужжатлари мисолида кўриб чиқмоқчимиз[5].

Ширкат Туркистондаги фаолиятини 19 асрнинг 80-йиллари бошида Тошкент шаҳрида ўзининг илк конторалариниочиш билан бошлаган. Лекин Ширкатнинг кейинги йиллардаги асосий фаолияти Фарғона водийсига қаратилди. Ширкатнинг Туркистон ўлкасидаги асосий фаолияти пахтани қабул қилиш пунктлари ва пахтани қайта ишлаш заводлари ҳамда омборларини ташкил қилиш, пахтани экиш ва сотиб олиш, уни қайта ишлаш ва толасини Россиянинг тўқимачилик фабрикаларига жўнатишга қаратилган эди.

Марказий Давлат архивининг 99-фондидан ўрин олган Ширкат архивида уч юздан ортиқ йиғма жилд сақланган бўлиб, улар орасида пахтани ташиб кетишга оид расмий ёзишмалар, статистик қайдномалар ва мавзуга оид бошқа турдаги ҳужжатлар масалани ёритишда катта аҳамият касб этади.

Пахтани ташиб кетиш Ширкат фаолиятида энг мураккаб ва муҳим жараён ҳисобланган. Шу сабабли ҳам бу масалага бағишланган архив ҳужжатлари орасида Ширкатнинг жойлардаги ишончли кишилари ва уездлардаги ҳамда Тошкентдаги Бош контора бошлиқлари ўртасидаги ўзаро ёзишмалар жуда ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар мазмун-моҳиятига кўра:

- бошқарувга оид кўрсатмалар акс этган расмий буйруқлар;
- ширкат фаолиятига оид савол-жавоблар акс этган хатлар;
- пахта хом ашёси жўнатилгани ҳақидаги маълумотнома-хабарлар;
- ноқулай вазиятларда юборилган шошилинч телеграммалар;

- ташиб кетиш натижалари акс этган ҳисоботлар.

Бу туркум ҳужжатларни аниқроқ тасаввур қилиш учун қуйида ана шундай ахборот-хатлардан бирини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Тошкентдаги бош конторага Қува конторaси ишончли вакилидан 1910 йил 7 октябрда юборилган №71 рақамли ахборот-хатни олайлик:

“Сизнинг фармойишингизга биноан, шу ой (октябр)нинг 2-санасидаги №59 рақамли расмий хат орқали биз томондан Люберцы станциясигача жўнатиш учун Гергард ва Гей Акционерлик жамиятига 1-навли 233 та той пахта топширилди.

Имзо: Қува конторaси ишончли вакили [6].

Қува конторaси ҳамда Тошкентдаги бош контора билан ўзаро ёзишмалар акс этган 71- йиғма жилддаги материаллар Ширкатнинг пахта хом ашёсини ташиб кетиш жараёнидаги иш ҳужжатлари таркиби ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Йиғма жилддаги кўрилаётган масалага оид туркум хабарларни умумий мазмунига кўра пахтани ташиб кетиш жараёни (масалан муаммолар, бошқа объектив ва субъектив сабаблар ва ҳоказолар), вақти ва жойи, миқдори, навлари, нархи, суғурта масалалари каби маълумотларни Тошкентдаги марказий конторага етказишга қаратилган.

Бундан ташқари, пахта хом ашёсини ташиб кетиш жараёнини акс эттирувчи архив ҳужжатлари орасида бошқа муассасалар (Темир йўл транспорт ширкатлари, жамиятлар ва ҳоказолар) билан ўзаро ёзишмалар, тушунтирув хатлари ва тузилган келишув-шартномалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу гуруҳга мансуб архив ҳужжатлари таҳлилига қараганда, пахта хом ашёсини ташиб кетиш уч босқичда амалга оширилган.

Биринчи босқич Фарғона водийсида. Бу босқичда водий далаларида етиштирилган пахта қайта ишлаш ва тозалаш заводларига олиб борилгунга қадар шаҳар ва қишлоқлар орасида от ва эшак аравaларда, узоқ масофага туя карвонларида ташилган. Масалан, Наманган уездида етиштирилган пахта қизғин мавсумда тўғридан тўғри Қўқонга жўнатилган. Шаҳанд, Тўда, Сўнг, Калқишлоқ ва Ғурумсарой кечувларидан ўтиш бир оз қийинчилик туғдирса-да, Сирдарёдан ўтказилган пахта Қўқонга етказилган [7].

Иккинчи босқич пахтани Туркистон ўлкаси ҳудудида ташиш жараёнини ўз ичига олган. Бу босқичга келиб ўлкадаги темир йўл тизимидан фойдаланилган.

Учинчи босқич эса пахта хом ашёсини империянинг саноат шаҳарларига (асосан Ярославлга) ташиш жараёнини ўз ичига олади..

Ширкатнинг пахта бойлигини ташиб кетиш борасида олиб борган фаолияти унинг Маҳсулотларни сақлаш ва ташиш омборхоналарининг Шарқий Жамияти (Восточное общество товарных складов – бундан кейин Шарқий жамият) ўртасида 1904 йил октябрда тузилган шартномада яққол кўзга ташланади. Унга кўра, Шарқий Жамият Қўқондан Ширкатнинг Тошкентдаги бош конторасига пахтани темир йўл орқали ташиб олиб кетиш масаласини кўриб чиққан[8]. Шунингдек, мазкур йиғма жилдда Шарқий жамият томонидан 1904 – 1905 йиллар мавсумида Ярославль ва Россиянинг Европа қисмидаги бошқа саноат пунктларига қуруқлик ва сув йўллари орқали етказиб бериш муддатлари таклифи қуйидагича кўрсатилган:

Биринчи таклиф. Петровск – Москва орқали Ярославлгача:

- Петро-Александровск орқали. Хива ерлари орқали. – 55 кунда,
- Чоржўйдан – 55 кунда,
- Марвдан – 50 кунда,
- Бухородан – 55 кунда,
- Каттақўрғондан – 56 кунда,
- Самарқанддан – 56 кунда,
- Тошкентдан - 57 кунда,
- Хўжанддан – 57 кунда,
- Қўқондан - 57 кунда,
- Намангандан етказиш санаси бутун марка Қўқонга етиб келган кундан бошланади – 57 кун
- Марғилон, Қува, Андижондан - 62 кунда,
- Туячи, Асака, Ўқчи ва Андреев Хутори қишлоқларидан - бу муддат пахтани Андижонга келтирилганидан хисобланиб, 62 кунда етказилади.

Иккинчи таклиф. Ярославлгача – Волга дарёсида сув йўли орқали.

1. Петро-Александровск ва Хива ерлари, Марв, Чоржўй, Бухоро, Каттақўрғон, Самарқанд, Митан қишлоқлари орқали Жамият фабрикага 1905 йилда 1/3 қисмдан, яъни 1905 йилнинг май, июнь ва июль ойларида учга бўлиб етказиб беради.

2. Тошкентдан Чимкент орқали – Қўқон, Наманган, Марғилон, Қува, Андижондан, бошқа қишлоқлардан ва Андреев Хуторидан – 1905 йилнинг 1 апрелигача етказиб бериш учун топширилган пахтанинг биринчи ярмини жамият 1905 йилнинг майида, иккинчи ярмини эса 1905 йилнинг июлида етказиб беради [9].

Келишув шартларига қараганда, Ширкат Жамиятга пахтани ташиш учун 1905 йилнинг апрелидан кейин хам (август ойигача Волга дарёсидакема қатнови тўхтаб қолмаса) топшириши мумкин бўлган. Албатта, бу ўринда Шарқий жамият пахтани кўзланган манзилга ўз вақтида етказиб бермаса, жарима сифатида ҳар бир сутка учун ҳар бир пуд пахтага 0,5 тийиндан Ширкатга тўлашни бўйнига олган. Бундан ташқари, Шарқий жамиятнинг Ширкат конторaларидаги ўз агентлари воситасида пахтанинг навлари, тола сифати ҳамда оғирлигига қараб махсус квитанциялар орқали суғурталаш ишларини ҳам

амалга оширган. Шарқий жамиятнинг суғурта жавобгарлиги шартлари квитанцияларда изоҳланган ва бу ҳолат пахтани жўнатиш учун қабул қилинган пайтдан бошланиб, темир йўлда ва сув йўли орқали ташишда амал қилишда давом этиб, Ярославлда, фабрика ховлисида пахтанинг топширилиши билан якунланади [10].

Мавжуд ҳужжатларга қараганда, Шарқий жамият бошқа фирмаларга қараганда Ширкатга анчагина яхши хизмат кўрсатган. Ширкатнинг Қўқон конторасси бошқарувчисининг Тошкентдаги бош контора раҳбари М.А.Куриловга 1910 йил 30 сентябрдаги №69 сонли расмий хатидан маълум бўлишича, “Кавказ ва Меркурий жамияти” Ширкатга тегишли пахталарни ташишда қатор тартибсизликларга йўл қўйган. Кўп ҳолларда пахта ташишга топширилгандан кейин ҳам 2 кунгача заводнинг ўзида қолиб кетган. Қўқон конторасининг мурожаатига эса ҳеч қандай жавоб бермаган. Вакилнинг ёзишича, Жамият ўтган йилги мавсумда ҳам шундай ҳолатда ишлаган. Шу сабабли Қўқон конторасси вакили марказдан “Кавказ ва Меркурий жамияти”нинг бундай хатти-ҳаракатларига тегишли чора кўриш ва келгусида Шарқий жамият билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйишни сўраган [11].

Ширкатнинг пахтани ташиб кетиш бўйича яна бир ҳамкори «Гергард ва Гей» Акционерлик жамияти эди. Мазкур акционерлик жамиятининг бошқарув идораси Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган бўлиб, Қўқонда ҳам бўлимини очган. Ярославль катта мануфактураси савдо-саноат ширкатига қарашли Қўқон конторасининг 1911-1914 йилларда мазкур Акционерлик жамияти билан олиб борган турли ёзишмалари асосан пахтани ташиб олиб кетиш масаласига қаратилган [12]. Хусусан, Акционерлик жамиятининг Қўқон бўлимидан 1912 йил 19 сентябрда, Ярославль Катта мануфактураси ширкатининг Тошкентдаги бош конторасига юборилган расмий хатда 1912-1913 йилги мавсумда Ширкатнинг пахта заводларидаги тоза пахта толасини Ярославль ёки бошқа темир йўл тармоқлари станцияларидаги фабрикаларга Кинель ва Красноводск-Петровск, Красноводск-Астрахань-Волга сув йўли орқали ташиб бериш нархлари муҳокама қилинган [13].

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Туркистон ўлкасида пахтачилик тарихи ҳамда мустамлакачилик тизимида пахта хом ашёсини ташиб кетиш борасида архив ҳужжатлари асосий манбалардан бириб бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ҳужжатлар бу соҳада иш олиб борган турли муассасалар (савдо-саноат ва хизмат кўрсатиш ширкатлари, жамиятлар, уюшмалар) фаолиятини ҳар томонлама, кенг кўламда ўрганиш имконини беради. Келгусида, нафақат Ярославль Катта мануфактураси фондига тегишли ҳужжатлар, балки мавзуга тегишли барча архив фондларини умумийликда, архив манбашунослиги ҳамда тарихшунослик йўналишида тадқиқ этилиши Туркистон ўлкасида пахтачилик тарихи борасида бир қатор масалаларга ойдинлик киритиши шубҳасиз.

Адабиётлар

1. Туркистонда пахта хом ашёсининг ташиб кетилиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари Ҳ.Зиёев тадқиқотларида кенг кўламда ўрганилган. Батафсил қаранг: Зиёев Ҳ. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги // Шарқ юлдузи.- 1991.- №5.– Б.173-176; Ziyoev H. O’zbekiston mustamlaka va zulm iskanjasida (XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlari). 6-jild. – Toshkent: Sharq, 2006. – B.46-226.

2. Ўзбекистон тарихи. Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б.231-232.

3. Материалы для изучения хлопководства. Вып. 2. Значение Туркестана в торговле России с сопредельных странами Азии. – СПб., 1912. – С.1-2.

4. Материалы для изучения хлопководства. Выпуск 1. Составитель: Н.И.Малаховский. – С.-Петербург., 1912.- С.47 – 48.

5. Путеводитель. Центральный Государственный Исторический Архив УзССР (ЦГА РУз.). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т., 1948. – С.124.

6. ЎзРМДА. 99-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд. 71-варак.

7. Резник Н. Хлопководство в Наманганском уезде 1880-1901 гг. // Ежегодник Ферганской области. – Новый Маргелан, 1903. – С. 155.

8. ЎзРМДА. 99-фонд, 1-рўйхат, 63-йиғма жилд. 93 варақ.

9. ЎзРМДА. 99-фонд, 1-рўйхат, 63-йиғма жилд. 93 варақ.

10. ЎзРМДА. 99-фонд, 1-рўйхат, 63-йиғма жилд. 94-94 орқа варақ.

11. ЎзРМДА. 99-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд. 59-59 орқа варақ.

12. ЎзРМДА. 99-фонд, 1-рўйхат. 85-йиғма жилд.

13. ЎзРМДА. 99-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд. 38-38 орқа варақ.

Андижон давлат университети
2012 йил 10 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)